

## Мерос оятлари ҳақидаги саволлар (биринчи мақола)



15:07 / 17.01.2024 2185

**Савол:** Меросга тегишли учта мерос оятларидан бошқа оятлар ҳам борми?

**Жавоб:** Мерос тўғрисида ушбу уч оятдан ташқари бир неча ояти карималар ҳам келган. Лекин улар мужмал – қисқа бўлиб, меросхўрларнинг ҳақларига тафсилотларсиз ишора қилади. Меросда қариндошларнинг ҳақлари борлигини ойдинлаштира-да, ҳар бир меросхўрнинг мерос миқдорини баён қилиб, белгиламайди. Меросга ишора қилувчи оятлар қуйидагилардир:

1. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:



меросдаги ҳуқуқларини қайтариб берган. Аллоҳ таоло эркак ва аёлларнинг мерос олишини вожиб қилар экан, унда катта билан кичикнинг, эркак билан аёлнинг ўртасини ажратмай, балки ҳар бири учун меросда улуш борлигини билдирган. У мерос кам ёки кўп бўлсин, мерос қолдирувчи рози ёки норози бўлсин, барибир аёллар ва гўдакларнинг ҳурмат-эътиборини қайтариб берган. Уларнинг ҳаққидаги адолатсизлик ва зулмга барҳам берган.

Ушбу ояти карималар мужмал бўлиб, уларнинг тафсилоти ўтган ояти карималарда келган. Аллоҳ таоло уларда ҳар бир меросхўрнинг улушини белгилаган ва улар мерос илмининг устунидир.

*(Давоми бор)*

### **«Ислом шариатида мерос илми» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.